


ҚУМҚҮРФОНДА "ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ" БОЛАЖОНЛАРГА ТОПШИРИЛДИ



Янги йил кўпчиллик болажонларнинг севимли байрамларидан бири саналади. Кутинган ва кутилмаган совғалар эртак қаҳрамонлари, турли байрам тадбирлари барчага кўтаринки кайфият бағишишлайди. БСМ ўйингоҳида безатилган арча атрофида “Президент арчаси” тантаналари ўтказилди.

Туман ҳокими Р.Гаппаров тадбирда иштирок этиб, иштирокчиларни байрам билан қутлади ва 30 нафар ота-она қаровисиз қолган болаларга “Президент

совғаси"ни топширди.

Ватанпарварлик ойлигига ўтказилаётган айни кунларда 92 22 чегара қўшинлари ҳамда 36 691 ҳарбий қисим хизматчилари, ҳарбий оркестр жамоалари ҳам байрам дастурида иштирок этишди.

Ҳарбийлар томонидан ташкил этилган замонавий қурол-аслача ва ҳарбий техникалар намойиши, ҳарбий хизматчиларнинг жанг санъати асосидаги кўргазмали чиқишлиари барчада катта таассурот қолдирди.

Қорбобо ва Қорқиз, эртак қаҳрамонларининг

чиқишлиари, куй-қўшиқлар болаларга бир олам завқ бағишилади.